

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТРАНСПОРТ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ХОРИЖ ТАРИБАСИ

*т.ф.н. доц., А.Ў. Қўзиев,
ўқитувчи А.Х. Муратов,*

Ўзбекистон Республикаси Термиз давлат университети

Давлатимиз раҳбари томонидан 2018 йил 6 мартда тасдиқланган “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3589-сонли Қарорда эса сўнгги йилларда автотранспорт хизматлари соҳасини жадал ривожлантиришнинг мавжуд имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаётганлиги, автотранспорт хўжалиklarини модернизация қилиш замонавий талаблар даражасида эмаслиги, соҳада илғор ахборот-коммуникация технологиялари ва **интеллектуал транспорт тизимлари** етарли даражада жорий этилмаганлиги ва мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани кўрсатиб ўтилган [1].

Аҳоли сони ва турмуш даражасининг ўсиши натижасида мамлакатимиз йўлларида транспорт воситалари жадалигининг ошиши кузатилмоқда. Замонавий транспорт воситалари суперзамонавий технологиялар билан жиҳозланишига қарамадан автомобилларни бошқариш аввалдагилардек хавфли бўлиб қолмоқда. Маълумки, катта шаҳарларда ва транспорт оқими жадаллиги катта бўлган автомобиль йўлларида аварияли ҳолат эҳтимоллиги юқори бўлади. Мазкур тизим кўп сонли элементларга боғлиқ ва бу борада ҳеч бир нарса ўз вақтида амалга оширилмаса нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мураккаблашади. Шунга қарамадан ҳар доим ҳам ижобий ўзгаришлар учун имконият топилади, яъни тавақалчилик ҳолатлардан чиқиш ва салбий таъсирларни минималлаштириш мумкин бўлади. Бироқ, бу муаммони ҳал этишнинг қисқа муддатли, миқдорий ечими ҳисобланади, яъни уни бутунлай бартараф этишнинг имкони бўлмайди, чунки автомобилларнинг сони трассада ошиб бораверади. Шунинг учун бу муаммони интеллектуал транспорт тизими сифатли ҳал этиши мумкин, бунда фан ва техниканинг ютуқларидан самарали фойдаланилади. ИТТ бундай самарадорликга барча йўл ҳаракати иштирокчилари учун маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва етказишда зарур бўлган жиҳозлар, дастурий таъминот ва тармоқларнинг бирлаштирилиши ёрдамида эришади.

Интеллектуал транспорт тизими (ИТТ, инглизча *intelligent transportation system*)—бу мураккаб муҳандислик тузилма бўлиб, транспорт тизимларини моделлаштириш ва транспорт оқимини бошқаришда инновацион ёндошув ҳисобланади. ИТТ транспорт тармоғидан максимал фойдаланишни, транспорт жараёни самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишни, транспортдан фойдаланувчилар ва ҳайдовчилар учун қулайлик даражасини яхшилашни ҳамда шошилиш тиббий ёрдамга тезкор мурожаатни таъминлайди. Натижада истеъмолчиларга катта ҳажмда ахборотчанлик ва хавфсизлик тақдим этилади, ҳамда ҳаракат иштирокчиларининг ўзаро таъсир даражаси сифатини ошириш имконини беради. Америка Қўшма Штатлари, Япония, Германия, Франция, Хитой каби ривожланган мамлакатларда бундан 20-30 йил аввал транспортни бошқаришда мазкур технологиялардан кенг фойдаланилган [2].

Юқорида келтирилганларни ҳал этиш учун экспертлар томонидан бир неча усуллар тавсия этилган:

-экстенсив, йўл инфратузилмасини қуриш;
-интенсив, транспорт оқимини оптималлаштириш ва бошқаришда ИТТни кўллаш.

Хориж мамлакатлари мутахассислари транспорт муаммосини ҳал этишда интенсив усулдан фойдаланишни лозим топган. ИТТ-автомобиль йўлларининг транспорт оқимини ўтказувчанлик қобилиятини оширишнинг муҳим, яъни самарали ва хавфсиз даражаси ҳисобланади. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ИТТни фаол ривожлантирмоқда ва кўллаб қуватламоқда. Чунки ИТТни кўллаш янги автомобил йўлларини қуришнинг стандарт усулидан фарқли ўлароқ, мазкур муаммони, яъни транспорт тармоғини ривожлантириш масаласини ечишнинг илмий ва фойдали усули ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш ва шаҳар магистралларида қатнов самарадорлигини ошириш ИТТ билан шуғулланувчи барча ташкилотларнинг умумий мақсади ҳисобланади. Бу шаҳар аҳолисининг ҳар кунлик режимига таъсир кўрсатувчи муҳим масала ҳисобланади. Мисол учун, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда, тез тиббий ёрдам хизматини аниқлаштириш ва ҳодиса жойига етиб келиш вақти талаб даражасида эмас. Бундай ҳолатларда секундлар ё ҳаёт, ё мамот ҳисобланади. Шунинг учун тез тиббий ёрдам ҳодиса жойига санокли секунд ёки минутларда етиб келиши керак. Агар тез тиббий ёрдамни чақириш тизими ИТТда интеграллашган бўлса, у ҳолда тиббий хизмат йўл транспорт ҳодисаси содир бўлган жойдан маълумот ва координатларини атиги бер неча секундда олади ва ўз вақтида етиб келиши натижасида ҳар куни юзлаб инсонларни қутқариш имконини беради. ИТТнинг йўлларда хавфсизликни ошириш борасидаги яна бир муҳим жиҳати йўл транспорти ҳодисасига сабаб бўлувчи рискларни камайтириш ҳисобланади. Бунда тирбандликни олдини олиш, авария бўлган жойдан автомобилларни зудлик билан эвакуация қилиш ҳамда транспорт тармоғидаги хавфли участкалар ва тўсиқларни мунтазам мониторинг қилиб бориш мумкин бўлади. Бу каби дастурларни амалиётга жорий этишда мазкур соҳа бўйича кўп сонли мутахассисларнинг иш кучига катта эҳтиёж сезилади.

ИТТни ривожлантириш марказларидан яна бири Осиё мамлакатлари ҳисобланади, яъни Япония “ақли” транспорт тизимлари билан 40 йил муқаддам шуғулланишни бошлаган. Бу борада Японияда 1973 йилда дастлабки урунишлар бўлган бўлса, кейинги босқичи транспортни ривожлантиришнинг миллий дастури “ИТТ-Япония”ни яратиш бўлиб, у 1996 йилда амалга оширилган.

1997 йилда Хитойда коммуникация вазирлиги томонидан ИТТни ривожлантириш бўйича ишлар бошланган. Бу ишлар 21 асрда фан ва техникани жалб қилиш даражасида давом эттирилди, бу эса Хитойда ИТТни ривожлантиришнинг миллий концепциясини яратиш учун асос бўлиб хизмат қилди ва мазкур концепция 2007 йилда қабул қилинди. Хитойда ИТТни ривожлантиришни амалиётга жорий этишнинг танланган шакли Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш мумкин бўлган фарқли жиҳати шундаки, яъни мазкур тизим қатъий давлат назоратида эканлигидир. Бу иқтисодиётни ривожлантириш тизимига интеграллашган беш йиллик режаларда акс этади.

Европа қитъасида ИТТни ривожлантиришга илк урунишлар 1991 йилда кузатилган бўлиб, “ИТТ-Европа” номида ташкилоти тузилган. Европа иттифоқи 2006 йилда “Европа ҳаракатда. Бизнинг қитъамиз учун турғун ҳаракат” номида давлатлар ўртасида концепция қабул қилинди. Келажакда автомобиль, темир йўл ва денгиз транспортлари навигацион тизимлар ва алоқа жиҳозларига эга бўлишлари режалаштирилган бўлиб, бу транспортни бошқаришнинг қитъалараро тизимини яратиш учун асос бўлади. “ИТТ-Европа”нинг асосий эришган ютуқларидан бири, “фавқулотда (экстренный) чақирув” дастури ҳисобланади. Бу дастурнинг мазмуни шундан иборатки, яъни йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда транспорт воситаси автомат тарзда яқин атрофдаги тиббий

марказга координатларини жўнатади. Бу эса ҳодиса бўлган жойни аниқлаштириш вақтини камайтиради ва тез тиббий ёрдамнинг ҳодиса жойига қисқа муддатда етиб келиш имконини беради.

Республикамизда мазкур соҳа бўйича Европа стандарти доирасида етук мутахассислар тайёрлаш асосида **интеллектуал транспорт тизимларини** мамлакатимиз ҳудудида кенг жорий этиш ва мамлакатнинг автотранспорт хизматлари экспорти ва транзитини ошириш салоҳиятининг имкониятлари ва заҳираларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. ИТТни амалиётга жорий этишдаги кўрилган ҳамма мисоллардан маълумки, мазкур муаммони ечими институтционал шаклда бошланган бўлиб, кейинчалик ИТТга миллий лойиҳа мақоми берилган ва мамлакатда фан ва техникани ривожлантиришнинг кўп йиллик режаларини яратиш бўйича давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Мазкур хулоса Ўзбекистон Республикасида ИТТни амалиётга жорий этишда таклиф сифатида эътиборга олиниши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3589-сонли Қарори.

2. [file:///C:/Users/pc/Downloads/zarubezhnyy-opyt-v-oblasti-realizatsii-intellektualnyh-transportnyh-sistem%20\(3\).pdf](file:///C:/Users/pc/Downloads/zarubezhnyy-opyt-v-oblasti-realizatsii-intellektualnyh-transportnyh-sistem%20(3).pdf)

3. <https://www.google.com>